Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
29 июнь
ЧОРШАНБА
№ 52 (12896)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – юртимиздаги барча журналистлар, телерадио, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг бу йилги касб байрамингиз Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги давр – ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани чуқур маъно-мазмунга эга, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек беқиёс имконият яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олижаноб хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Бу йилги мустақиллик байрамининг бош ғояси сифатида танланган **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган сўзлар замирида қандай теран маъно мужассам эканини сиз, азизлар яхши тушунасиз, албатта.

Бугунги қутлуғ айёмда Ватан учун жон фидо қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган, миллий матбуотимизга асос солиб, мустабид тузумнинг тазйиқ ва таъқибларига қарамасдан, "Маслак ва мақсадимиз – халқ манфаатига хизмат этмак" деган эзгу ғоя йўлида бутун борлиғини бағишлаган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳи покларини, соҳа фахрийларининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Барчангизга яхши маълум, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб борилмоқда.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Муҳтарам дўстлар!

Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бир-биридан ўткир ва долзарб саволларни қўяётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информацион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, суҳбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Шу борада юксак касб маҳоратига эга журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб турибди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун, аввало, замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиакомпаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакилларининг 700 нафарга яқини чет эллларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги глобаллашув замонида, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир "темир девор" қуриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Жаҳон ахборот маконидаги бундай мислсиз интеграция жараёнлари бугунги юксак тараққиёт учун беқиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали, афсуски, турли бузғунчи ғоялар, "оммавий маданият" кўринишлари ҳам ҳаётимизга кириб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, маънавий қадриятларимизга, авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъаналарига беписанд қараш каби ҳолатлар ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш – инсонни, аввало, ёш авлодимизни, келажагимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, муҳтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифатни қурол қилиб, қатъият билан иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз 25 йил давомида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган, халқимиз қалбида акс-садо топган даъват, аввало, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор, десам, янглишмаган бўламан.

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир ва таҳликали, озгина учқун чиқса, бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган ўта хатарли ва қалтис вазият вужудга келганини эсга олайлик. Йигирма миллиондан ортиқ халқимизни боқиш учун омборларимизда бор-йўғи 22 минг тонна ун захираси қолганини, иқтисодий етишмовчилик ва қийинчиликларни, бизни турли фитна ва можаролар гирдобига тортишга қаратилган қўпорувчилик ҳаракатлари, ёвуз мақсадларни кўзлаган террорчилик хуружларини, мухтасар айтганда, халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтаришга бўлган ғаразли уринишларни ва бундай машаққатли синовларни фақатгина мардлик ва матонат, сабр-бардош ва фидокорона меҳнат билан енгиб ўтганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошимиздан кечирган мана шундай мураккаб тарих сабоқларини одамларга, аввало, ёшларимизга етказиш, уларнинг кўзини ҳақиқатга очиб бериш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бир сўз билан айтганда, биз ёш авлодимизни бошлаган буюк ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз солномасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурида муҳрланиши, миллий ғоямиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат билан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, ҳурматли журналист аҳлининг даъваткор сўзи, ибратли фаолияти бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ишонаман.

Эртанги кун ҳақида, энг муҳим ва устувор вазифаларимиз ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, доимо янги-янги муаммо ва талабларни кун тартибига қўяди.

Шу маънода, бугун биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар, хусусан, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш, дунёдаги энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш бўйича 2030 йилга қадар белгилаб олган дастурларимизни амалга оширишда биз бутун халқимиз қатори сизларга, сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Журналист меҳнатининг нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини чуқур англаган инсон сифатида мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим ва маслакдошларим деб билишимни такроран айтмоқчиман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

"Дўрмон" маданият саройида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛА БИЛАН ИШЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Юртимизда амалга оширилаётган демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида маҳалланинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни, айниқса, беқиёсдир. Ушбу жараёнларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда мазкур лавозимда ҳаётий тажрибага эга бўлган, аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий анъана ва урф-одатларни ривожлантиришда ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли, фаол хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Хусусан, вилоятимизда 985 нафар маслаҳатчи самарали фаолият юритмоқда.

Маҳалла нуфузини янада ошириш, маслаҳатчиларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг роли катта бўлмоқда.

Бу йилги танловнинг вилоят босқичида ўз ҳудудида ғолибликни қўлга киритган 18 маслаҳатчи баҳслашишди. Уч шартни қамраб олган танловда маслаҳатчилар миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, оилалар билан ишлаш, жамиятда маҳалла институтининг моҳиятини кенгайтириш бўйича ўзаро тажриба алмашишга ҳам муваффақ бўлдилар.

Давоми 2-бетда.

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ

Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" болалар оромгоҳи қошида "Интеллектуал ривожлантириш" оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда билимлар беллашуви ва фан олимпиадасида ғолиб бўлган 500 нафар истеъдодли ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

Таътил қувончлари

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган оромгоҳнинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароит яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

– Айни пайтда бу ерда "Касаба уюшмалари болаларга" акцияси доирасида бепул йўлланмага эга бўлган 500 иқтидорли ўқувчидан 250 нафари ҳордиқ чиқармоқда, – дейди "Қуёшли" болалар оромгоҳи бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов. – Оромгоҳда ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкамлаши ва жисмонан чиниқиши учун барча шароит муҳайё. Зарур адабиётлар билан таъминланган кутубхона, интернет тармоғига уланган компьютерлар, хореография зали, очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси улар ихтиёрида.

Тўгараклар машғулоти табиат қўйнида ноанъанавий тарзда янада қизиқарли ташкил этилмоқда. Таниқли шоир ва ёзувчилар, мусаввирлар, киноижодкорлар, спортчилар иштирокида ўтадиган учрашув ва давра суҳбатлари ёш истеъдодларнинг янада тобланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳининг очилишига бағишланган тадбир "Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакати" мавзуидаги маданий-маърифий тадбир шодиёналарига уланиб кетди.

И. АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Ғалла – 2016

Деҳқон учун осон келган йилнинг ўзи бўлмайди. Чунончи, бу йилги ғалла мавсуми ҳам миришкорларимизни хийла шошириб қўйди. Боиси, баҳорда кузатилган инжиқ об-ҳаво одатда ўн кунгача фарқ билан пишадиган турли ғалла навларининг айни бир пайтда етилишига олиб келди. Бу ўз навбатида, ўрим-йиғимда жуда катта сафарбарликни талаб этмоқда.

ДЕҲҚОННИНГ ҲАРАКАТИ – БУҒДОЙЗОРЛАР БАРАКАСИ

Хусусан, зангиоталик омилкорларнинг мавсумга олдиндан пухта тайёргарлик кўришгани ортиқча исроф-гарчиликларнинг олдини олмоқда. Пировардида, пешона тери эвазига етилган ҳар бир бошоқ ҳосилга-ҳосил қўшиб, ҳам эл-юрт хирмони, ҳам деҳқоннинг уйи донга тўлаяпти.

Буни "Абдулаҳад Ҳаким" фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўжалик ғаллакорлари бу йил 19 гектарда ғалланинг "Краснодар" ва "Гром" навларини парваришлаб, юқори ҳосилдорликка эришди. Контрактация шартномасини адо этиш учун 10 гектардаги ғалланинг ўзи кифоя қилди.

– Ҳосилдорлик 65 центнерга етди, – дейди хўжалик раҳбари Абдусаттор Абдулазизов. – Эътиборлиси, яна 9 гектарда донимиз турибди. Бу ўртача 56-57 тонна дон, демакдир. Насиб қилса, бу йил ҳам хўжалигимиз аъзоларининг насибаси бутун бўлади, топган-тутганига барака ёғилади.



Даврон АҲМАД олган сурат.

МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЖАВОБ КУТАДИ

Фуқароларнинг мурожаатларига жиддий муносабат инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва самарали ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис, миллий қонунчилигимизда бунга алоҳида аҳамият берилаётир. Айниқса, 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштирди.

❑ Жараён

Унга кўра, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Ушбу соҳадаги қонунбузилиши учун жавобгарлик белгиланиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар киритилди, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибига аниқликлар киритилди.

Мазкур қонун меъёрларининг барча давлат органлари ва муассасаларида бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низом" тасдиқланди.

Бизнинг вилоят давлат солиқ бошқармамизда ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш юқоридаги нормативт-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг тегишли идоравий ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Статистик маълумотларга қараганда, давлат солиқ хизмати органларида шу йилнинг январь-май ойлари давомида рўйхатга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 430 мурожаатидан 62 таси бошқармамизга келиб тушди. Уларнинг 60 таси 15 кун, иккитаси бир ой муддатда кўриб чиқилди. Шундан 32 таси юзасидан тушунтиришлар берилди. 27 мурожаат бўйича ваколатимиз доирасида тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек, иккитасида келтирилган ҳолат ўз тасдиғини топмади, битта мурожаат аноним деб топилди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мурожаатларни тез қабул қилиш ва вақтида тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида бошқармамиз ҳамда ҳар бир туман ва шаҳар инспекцияларида жорий этилган ишонч телефонларининг узлуксиз ишлаши йўлга қўйилган. Бу эса мурожаатларни қабул қилишни енгиллаштириб, муаммоларни тезда ҳал этиш имконини бермоқда.

Н. СУЛАЙМОНБЕКОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.



МАҲАЛЛА БИЛАН ИШЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

– Бугун юртимизда жадаллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида маслаҳатчилардан катта билим ва тажриба талаб этилади, – дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси Ҳожимурод Эрматов. – Яъни, улар дунёқараши кенг, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган, ҳар томонлама ибрат бўла оладиган фаол ва ташаббускор аёллар бўлиши зарур. Мазкур танловда иштирокчилар фаолияти ана шу мезонлар асосида баҳоланди.

Якуний натижаларга кўра, 3 шарт бўйича юқори баллга эришган Қибрай тумани, "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Эргашева ғолиб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Иккинчи ўрин Ўрта Чирчиқ тумани, Бобур номли маҳалла маслаҳатчиси Озода Тожибоева, учинчи ўрин эса Ангрен шаҳар "Қатағон" маҳалласи маслаҳатчиси Гулбаҳор Мадираимовага насиб этди.

– Маслаҳатчи тезкор, зийрак, шижоатли ва ташаббускор бўлиши лозим, – дейди танлов ғолиби Раъно Эргашева. – Жамият тараққиётига боғлиқ кўплаб жараёнлар, жумладан, ёшлар тарбияси, оилалар мустаҳкамлиги, қўни-қўшнилар тотувлиги, моддий ва маънавий меросимизни келажак авлодга етказиш – буларнинг барча-барчаси, авало, маҳалла зиммасида. Ушбу танловда орттирган билим ва малакамиз ана шу масъулиятли вазифани адо этишда катта ёрдам беради.

Танлов сўнгида ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Санъаткорларнинг чиқишлари эса барчага хушкайфият улашди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.



Бошланиши 1-бетда.

❑ Эътибор

ОЗОД ЮРТНИНГ ЭРКИН МИНБАРИ

Байрамлари бисёр мустақил юртимизда яна бир муҳим сана – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди.

Ҳаётимизни ҳақиқат ойнасида, адолат, миллий қадрият кўзгусида акс эттириб, жамият тараққиётига муносиб улуш қўшаётган журналистларга бағишланган тадбирлардан бири Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилди. Унда ўтган йиллар давомида тизимда олиб борилаётган ишлар, мамлакатимиз аёллари эришаётган ютуқ ва муаммоларни кенг ёритишга ҳаракат қилаётган жонкуяр журналистлар, шунингдек, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрий устозлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида уюштирилган давра суҳбатида матбуот, оммавий ахборот воситалари ходимларининг бир гуруҳига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан журналистлар ўзларига кўрсатилаётган ҳурмат, эътибор ва рағбат учун миннатдорчилик билдириб, ўз фаолиятларини истиқлолга садоқат руҳида давом эттиришларини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига
2016 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда!

СОҒЛОМ ҲАЁТ – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳон миқёсида ҳар йили 200 минг киши гиёҳванд моддалар сабаб дунёдан ўтади. Сайёрамизнинг 29 миллион аҳолиси эса наркосиндромга муккасидан кетган. Шу сабабдан гиёҳванд моддаларга қарши кураш, ёшларни ундан асраш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

❑ Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги



Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" маданият саройида вилоят ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ томонидан гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги доирасида "Биз, ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!" шиори остида таниқли санъаткорлар, спортчилар ва истеъдодли ёшлар иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган тадбир ўтказилди.

Бугунги кунда "аср вабоси" дея эътироф этиладиган гиёҳвандлик инсон ҳаётини, орзу-ҳавасларини, яқинларининг умидларини чилпарчин қилиш билан бир қаторда уни манқуртга айлантиради. Гиёҳванд учун муқаддас нарсанинг ўзи қолмайди. Оғу таъсирига тушган инсон ўзидан, ўзлигидан мосуво бўлади.

– Ёшларни гиёҳвандлик балосидан асраш учун уларни юксак маънавиятли, ҳушёр ва сергак қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи билан ошно қилиш лозим, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Мамлакатимизда эса бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилганки, бу шубҳасиз, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда пойдевор вазифасини бажаради. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли таҳдид ва хуружлардан асраш, уларни ўз домига илинтириб, тўғри йўлдан адаштириш эвазига манфаат кўришга ҳаракат қилаётган кучларга қарши курашиш бугуннинг асосий масалаларидан биридир.

Анжуман доирасида расмлар кўргазмаси ташкил этилиб, ёшларнинг мазкур зарарли иллатга нисбатан муносабати ва дунёқараши улар томонидан чизилган расмларда акс этди. Гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида иштирокчилар тайёрлаган саҳна кўринишлари ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ташкил этилаётган бу каби маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ёш истеъдодларни кашф этиш, муносиб рағбатлантириш ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири,
Қобил ҒОФУРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
"Мустақиллик йилларида республика ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш" мавзуида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этиш;

2. Ўзбекистон халқига миллий давлатчилик ва онгни, анъаналар ва урф-одатларни тиклаш, буюк сиймоларнинг номларини шарафлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича чексиз имкониятлар тақдим этган мустақилликнинг аҳамиятини очиб берадиган махсус теледастурлар, мақолалар тайёрлаш;

3. Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва удумларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

4. Тараққиёт йўлининг бешта тамойилига асосланган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган "ўзбек модели"нинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган таҳлилий материаллар туркумини чоп этиш;

5. Ўзбекистонда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилишини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш;

6. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини акс эттирувчи холисона ва ишончли ахборотни инглиз ва бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида ихтисослашган сайтларни ишлаб чиқиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш;

7. Турли тилларда Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, етук шахслари, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида республика эришган ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғидаги ихтисослашган энциклопедик манбаларда жойлаштириш;

8. Хорижий аудитория орасида Ўзбекистон халқлари номоддий маданий мероси (халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестивалларни, миллий ошхона ва бошқалар)ни оммалаштириш;

9. Интернет тармоғида Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирадиган ноёб экспонатларга оид ахборот материалларини тарқатиш;

10. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гўзаллиги ва хилма-хиллигига жалб қилишга қаратилган фото танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035,Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
"Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш" мавзуида
ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳақида аҳоли хабардорлигини, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда улар фаоллигини юксалтириш;

2. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳияти, унинг энг муҳим нормалари, жамоат экологик назоратини амалга ошириш, экологик назорат жамоат инспекторларининг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

3. Экологик таълимни ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб этиш;

4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишини кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали олдини олиш;

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шароитларни шакллантириш;

6. Аҳолининг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллалар ҳудудида санитария-экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги фаоллигини ошириш, шу жумладан, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш;

7. Корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасаларида муқобил энергия манбалари, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологиялар жорий этилиши ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар такомиллаштирилишини тарғиб қилиш;

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш учун зарур шароитларни шакллантириш, аҳоли саломатлигига, ёшларнинг тарбиясига унинг салбий таъсирини камайтириш, жамиятда соғлом авлодни тарбиялашни ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш;

9. Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, Оролбўйи ҳудуди, мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш;

10. Ўзбекистонда экологик туризмни, экосайёҳлик фаолиятининг ахборот ва инфратузилмавий таъминотини ривожлантириш, экосайёҳлик йўналишларини ташкил этиш, республика аҳолиси орасида экотуризмни оммалаштириш;

11. Экологик журналистикани ривожлантириш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мақолалар сифатини ошириш, Интернет тармоғида Ўзбекистон табиатининг бетакрор гўзаллиги ва хилма-хиллиги, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги махсус манбаларни яратиш;

12. Ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини кўпайтириш ва муҳофаза қилишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

13. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг энергияни иқтисод қилиш ва ресурс тежайдиган технологияларнинг муҳимлиги масалаларига бўлган дунёқараши ва муносабатини тубдан ўзгартириш мақсадида тарбиявий-маърифий ишларни кенгайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 10 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Қулайлик

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига аъзолик бадаллари эндиликда "UPAY" универсал электрон тўлов хизмати орқали ҳам амалга оширила бошланди.

ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Бунинг учун аввал "UPAY" тўлов тизимидан рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Сўнгра www.u-pay.uz сайти орқали ёки iOS ва Android учун ишлаб чиқилган махсус дастурий таъминотлар орқали тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлади.

Айтиш жоизки, "UPAY" электрон тўлов тизими бўлиб, фуқароларнинг пластик карточкаларидаги маблағларини интернет орқали бошқариш имконини беради. Ушбу тизим орқали коммунал хизматлар, солиқ, мобиль операторлар, телефон, интернет провайдерлар, интернет ресурслар ва бошқалар учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

"Туркистон-пресс".

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 29 июнь куни Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

ҚАНДИНГНИ УР, БИТИРУВЧИ!

Президентимиз раҳнамолигида ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Марказий банк ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Менинг бизнес ғоям" танлови ёш ишбилармонларни муносиб рағбатлантириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Имконият

Яқинда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловнинг жорий йилги босқичида 1500 дан зиёд тарғибот тадбири ўтказилиб, 187 мингдан кўпроқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчилари қатнашди. Ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган коллеж ва лицейларнинг 150 битирувчисига Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида ўқув машғулотлари ташкил этилди. "Менинг бизнес ғоям" танловининг республика босқичи иштирокчиларидан 16 нафари кўплаб қулайликларга эга суғурта полисларини олиш имконини берувчи диплом билан тақдирланди.

Унда Бекобод тумани педагогика коллежи битирувчиси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Муҳриддин Абдушукуров ҳам ўзининг "Брикет маҳсулоти" лойиҳаси билан иштирок этди. Муҳриддин ўзининг билими, изланувчанлиги ва қатъиятлилиги билан иштирокчилар орасида ажралиб турди. У "Агробанк" кесимида фахрли 1-ўринга сазовор бўлиб, 4,5 фоизли имтиёзли кредитга ва олий ўқув юртига ўқишга кириш учун 65 балли тавсияномага эга бўлди.

Бугун Муҳриддин сингари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлардан фақатгина ташаббус, ишбилармонлик, пухта ишланган лойиҳа ва бозор иқтисодиёти бўйича билим ва кўникмалар талаб этилади. "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаси бундай қобилиятли ёшлар кўплигини амалда кўрсатди.

– Танлов доирасида ташкил этилган ўқув семинари биз, ёш тадбиркорлар учун тажриба мактабини ўтади, десам адашмайман, – дейди Муҳриддин Абдушукуров. – Насиб этса, лойиҳам амалга ошгач, ўзим сингари ўнлаб тендошларимни иш билан таъминлайман.

Нодиржон ТОШБОЕВ,
Бекобод тумани "Камолот" ЁИҲ фаоли.

Адлия идораларида

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини, албатта, ўрганишни ва шу асосда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш – бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркорлигини таъкидлаган эдилар.

ҲУҚУҚИЙ САЛОҲИЯТ ВА ҚОНУНИЙЛИК

Шу нуқтаи назардан, мамлакатда мавжуд бўлган ҳуқуқий вазиятни таҳлил қилиш, ривожланишнинг истиқболли мақсадларини белгилаб бориш, шунга мос келувчи ҳуқуқий воситаларни танлаб олиш бошқарув идораларида қонунийликни мустаҳкамлашга имконият яратиб беради.

Умуман, Юртбошимиз раҳнамолигида тарихан қисқа даврда амалга оширилган йирик ҳуқуқий ислоҳотлар мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш салоҳиятининг бирмунча кучайганлигини намойиш қилмоқда.

Мана шу тарихий ислоҳотларнинг барчасида адлия органлари муҳим вазифани бажармоқда. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлиги, албатта, биринчи навбатда адлия органларининг давлат бошқаруви муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ.

Хусусан, вилоят адлия бошқармаси томонидан шу йилнинг биринчи чорагида телевидениеда 20 та, радиода 29 та, газеталарда 79 та, журналларда 13 та, жами 141 та ҳуқуқий тарғибот мазмунидаги материаллар эълон қилинди.

Бу ҳамкорлик тизимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари адлия органларининг диққат марказида бўлди. Боиси, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва қонунийликни таъминлашда адлия органлари фуқароларнинг ҳуқуқий фаол бўлишидан манфаатдор. Чунки, фуқаро, маҳалла ва умуман фуқаролик жамияти институтлари ҳар бир воқелик бўйича ҳуқуқийликни қанчалик кўпроқ талаб қилса, бу бизнинг фаолиятимизга шунчалик ёрдам беради.

Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида бошқармамизга жисмоний шахслардан 135 та, юридик шахслардан 48 та, жами 183 та шикоят келиб тушган. Шу билан бирга, ҳукумат портали орқали 2 та, ишонч телефонларига эса 46 та мурожаат бўлган.

Бу эса бошқарув органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш кўникмаларини муттасил ошириб боришни талаб қилмоқда. Шубҳа йўққи, бошқарув органлари олдига қўйилган вазифалар ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан шуғулланувчи ходимлардан ўз ишига янгича муносабатда бўлиш, касбий етуклик, масъулият, билим ва малака талаб этади.

Г. УМАРОВА,
вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси.

Реклама ва эълонлар



Тошкент вилояти «Ғўза уруғчилиги» бирлашмаси жамоаси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

муносабати билан вилоятимизда меҳнат қилаётган журналистларни, барча ижод аҳлини самимий қутлаб, уларнинг оилаларига хотиржамлик, бахт-саодат, ишларига омад тилайди.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 19 июль куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманлараро судининг 11.09.2015 йилдаги 1-715/15-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, "Самарқанд" МФЙ, Бодомзор кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси - 190 000 000 сўм бўлган умумий ер майдони 0,08 га, қурилиш ости майдони 444,60 кв.метр бўлган бино-иншоотлар тақроран қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "закалат келишуви"га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами № RR-0173.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2340-сонли Қарорига асосан хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятининг давлат акция пакети бўйича биржа савдоларига таклиф этади.

№	Жамиятнинг номи	Юридик манзили	Фаолият ихтисослиги	Давлат акция пакети фоизи (%)	Акцияларнинг сони (дона)	Акциялар пакети бошланғич нархи (АҚШ доллари, сўмда)	Акциялар пакети пасайтирилган нархи (10%) (АҚШ доллари, сўмда)	Бир дона акциянинг бошланғич нархи (АҚШ доллари, сўмда)	Савдо ташкилотчиси	Дастлабки савдо санаси
1	ХС "Angren Pack" (саноат қалин қоғоз) АЖ	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ кўрғони	Картон ва гофрақоғозлар, санитар-гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқариш	25,0	101 598	5 398 834,26 АҚШ доллари	4 858 950,834 АҚШ доллари	47,83 АҚШ доллари	"Тошкент" Республика Фонд Биржаси	01.08. 2016 й.
2	"OHANGARONSHIFER" акциядорлик жамияти	Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Саноат ҳудуди	Ишлаб чиқариш	53,98 %	132 918	26 500 890,0 АҚШ доллари	23 850 801,0 АҚШ доллари	179,44 АҚШ доллари	"Тошкент" Республика Фонд Биржаси	01.08. 2016 й.
3	Тошкент вилояти "Қишлоқхўжалик-кимё" ҳудудий акциядорлик жамияти	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, Иссиқхона комбинати, 1-уй	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш	34,77	213 567	22 528 902 300,0 сўм	20 276 012 070,0 сўм	94 939,82 сўм	"Тошкент" Республика Фонд Биржаси	01.08. 2016 й.
4	"Toshkent-Osiyo" акциядорлик жамияти	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ШФЙ, Гулистон кўчаси, 1-уй	Ноишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш	46,67	9 047866	7 804 807 000,0 сўм	7 024 326 300,0 сўм	776,352 сўм	"Тошкент" Республика Фонд Биржаси	01.08. 2016 й.

Давлат активларини миллий валютага сотиб олиш учун харидор (унинг вакили ёки воситачиси) савдолар бошлангунча пул маблағларини белгиланган депозитга қўйиши шарт.

Пул маблағлари давлат активининг ва воситачисининг номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда депозитга қўйилиши мумкин.

Пул маблағлари харидорнинг воситачисини кўрсатмасдан депозитга қўйилган тақдирда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотига топшириқ-шартноманинг нусхаси тақдим этилади.

Депозитга қўйилган маблағлар ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ёки сотувчи томонидан харидор ёки унинг ишончли вакилининг ёзма аризасига биноан, у олинган кундан бошлаб беш банк куни мобайнида депозитга қўйилган валюта қайтарилади.

Савдо ғолибига депозитга қўйилган маблағлар сотиб олинган давлат активи учун тўлов ҳисобига ўтказилади.

Талабгор давлат акцияларининг сотувчиси ва эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш юзасидан ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

Мурожаат учун манзил:

1. "Mulk sarmoya brokerlik uyi" Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-10-45, 232-10-46.

2. "Тошкент" Республика Фонд Биржаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 236-07-40, 233-32-31.

3. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77, e-mail: tashreg@gki.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 19 июль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан хатланган, Бекобод тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: ЖИБ Бўка тумани судининг 07.02.2012 йилдаги 242-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 801 900 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., д/р. 10W471BA, "ВАЗ-2103" р-ли ав-на; ЖИБ Бўка тумани судининг 14.01.2015 йилдаги 01-06/775-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 344 553 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., д/р. Д 7201 ТШ, "МС-412" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 22.05.2012 йилдаги 1-92-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 951 813 сўм бўлган, 1992 йилда и/ч., д/р. 10D8212, "ВАЗ-2102" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 14.05.2012 йилдаги 1-126-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 897 764 сўм бўлган, 1978 йилда и/ч., д/р. 11F824DA, "ВАЗ-21011" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 13.12.2013 йилдаги 326-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 2 611 440 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10Q602FA, "ВАЗ-2106" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 29.12.2011 йилдаги 1-198-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 4 002 055 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч., д/р. 11S4437, "BMW" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99895) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

2016 йил 14 июнда "Биржа" рўзномасининг 68-сонида берилган эълонга қўшимча қилиб, Тошкент вилояти Давлат мулкини ижарага бериш маркази томонидан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қоранқўл ҚФЙ ҳудудида жойлашган умумий майдони 5084,8 кв.м. бино ва иншоотларга эга бўлган, Казбек номли дам олиш маскани ижарага берилишини маълум қиламиз. Дам олиш масканида бассейн, сауна, ошхона ва бошқа қулайликлар мавжуд. Ижарага олиш истагини билдирувчилар 268-42-17, 268-42-78, факс: 268-42-15 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишлари мумкин.

ҚУЛОҚЧИНЛИ «ҚУЛОҚСИЗ»ЛАР

❑ Маънавият



Ишдан қайтаётиб, автобусга чиқдим. Одам гавжум, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бекатлардан бирида ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги йигитча чиқди. Қулоғига қулоқчин, яъни "наушник" тақиб олган бу йигитга аввалига ҳеч ким эътибор бермади. Тўғри келиб, ёнимга туриб олгани учун беихтиёр уни кузата бошладим. Эшитаётган мусиқасининг баландлигидан қандай қўшиқ тинглаётганини бемалол билиб олдим. Яқин турганим учун фақат менга шундай баланд эшитилаяптими, деб ўйладим. Шунда бир аёл уни сал туртиб, меҳрибонлик билан эътироз билдирди.

– Болам, анавинингни овозини сал пасайтириб эшитсанг бўлмайдими? Қулоқни кар қилиб қўяди-ку. Ҳали ёш экансан, ўзингни эҳтиёт қилишинг керак.

– Шунча одам индамай кетаяпти-ю, сиз ҳам жим кетаверинг. Ёқмаса ана, "остановка", тушиб қолинг...

Боланинг беҳурматлик билан берган жавоби ҳаммани жим қилиб қўйди. Автобус салонидагилар "бу ёғи нима бўларкин", деб пойлашарди. Аёлнинг ортиқча гапиргиси келмади шекилли, индамай қўя қолди.

Мен эса ўйланиб қолдим. Ёшларимиз орасида ўз билими, қобилияти билан бутун дунёни лол қолдириб келаётганлари талайгина. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида бу-гунгидек маънавияти саёз, бетгачопарлари ҳам учраб туриши бор гап.

"Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўгити билан сингади", дейди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, фарзанд тарбияни, аввало, оиласида олади. Уйдаги, рўзғордаги тартиб-қоида, ота-онасининг муомаласи, катта-кичик, қўни-қўшниларга муносабатини кўради, кузатади. Бола онги уни яхши-ёмон, оқ-қорага ажратмай, қандай бўлса шундайлигича ўзлаштиради. Бежиз "Олманинг тагига олма тушади", дейишмайди. Биз қизалоғимизга яримяланғоч, пардоз-андоз билан зеб берилган Барби қўғирчоғини, ўғлимизга йўлида учраган жонивору довдарахт, ҳатто одамни ҳам кунпаякун қилиб кетаверадиган хунрезликлар акс этган диск совға қиламизда, яна: "Нега қизим бунча олифта, миллий ахлоқимиздан йироқлашиб кетаяпти, нега ўғлим бемеҳр бўлиб ўсаяпти деб", нолийямиз. "Яхши фарзандларга эга бўлиш учун, яхши оналарни кўпайтириш керак", деган эди буюк ёзувчи Оноре Де Бальзак.

– Яқинда уйимдаги бир тадбирда қарашиб юбориш учун уч қўшнимнинг қизини ёрдамга чақирдим, – дейди ўқитувчи Шаҳло Ҳайитова. – Улар манти тугишди. Мантиларга қараб, қайси бирини Заҳронинг, қайси бирини Фароғат опанинг қизлари тукканлигини билиб олдим. Ҳа, қизлар уй-рўзғор тутишда, пазандалик, чеварликда оналарини ўзларига устоз деб билишади. Ўша, ҳозир ёшларимиз онгига мўр-малахдай ҳужум қилаётган "оммавий маданият" балосини ҳам агар хоҳласа, оналаримиз даф қила олади. Фарзандларимизни ғарбча қўшиқлар, миллий ахлоқимизга зид сериалар, мажнунликда йигитларга "дарс берувчи" қизлар суратга тушган клипларни кўришдан асрасак, ҳатто суҳбатлашиш, тил одобини ҳам назорат қилолсак бас.

– Яқинда бир воқеа содир бўлди, – дейди уй бекаси Ҳакима Зокирова. – Эндигина икки ёшга тўлган набирамни поликлиникага олиб чиқдим. Шифокор кўригига навбат кўп бўлганлиги сабабли ўша ерда ўтириб, кута бошладик. Набирам ўйнаб, у ёқдан бу ёққа бориб келади, денг. Шифокор кўригига кириб, керакли тавсияларни олгач, қайтиб келдик. Уйда ўйнаб юрган набирам жуда ҳам ёмон сўзни қайта-қайта такрорлаб қолди. Буни эшитиб, тепа сочим тикка бўлди. Унга ким бу гапни ўргатганини билолмай ҳайронман. Ўйлаб қарасам, боя поликлиникада бир аёл фарзандини шу сўзларни айтиб уришганди. Ўша вақтда уларнинг ёнида турган набирамнинг миясига бу сўз ўрнашиб қолган ва беихтиёр, нималигини тушунмасдан шуни такрорлаб юрибди. Ахир, она ўз фарзандига фақат ширин сўзлар айтиши, уни келажакка илҳомлантириши керак эмасми?

Дарҳақиқат, бола тарбияси унга тўғри йўналиш бериш, келажакка бўлган ишончини оширишга хизмат қилиши лозим. Агар тарбиячининг ўзи тарбияга муҳтож бўлса, ундан бирор нима кутиш маҳол. Шу тобда бўлажак оналар – қизлар тарбияси ва маданиятини ёшликдан шакллантириб бориш учун юртимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар қанчалик асосли эканлигини тушуниб етгандек бўламиз.

Ф. ТОЛИПОВ.



«...Мубтало бўлдим сенга»

Хитойлик йигит 6 кун тўхтовсиз видеоўйин ўйнаб, ҳаёт билан видолашишига бир баҳя қолди.



Гап шундаки, мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари йўлда ҳушсиз ётган 19-20 яшар атрофидаги йигитни топишган. Аввалига, маст деб гумон қилинган йигит аслида интернет-кафеда 6 кун мобайнида тўхтовсиз ўйин ўйнагани, бу вақтда бор пулини шунга сарфлаб, туз тотимагани маълум бўлди.

Энг ёмони, қаровсиз йигитнинг аъзойи баданини чивин талаган ва шикаст етган жойлар ярага айланиб, йиринглай бошлаган экан.

Интернет... ахлатқутидан тарқалади

Бирлашган Араб Амирликларидаги Шаржа шаҳри кўчаларида янги чиқинди қутилари пайдо бўлмоқда. Қизиғи, улар чиқинди йиғиш билан бир қаторда Wi-Fi тарқатиш вазифасини ҳам бажаради.



Бундай смарт-қутилар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ўрнатилмоқда. Тез ва осон интернетга уланиш имконини берувчи қурилмалар чиқиндини пресслаш ва тўлганида тегишли хизмат тузилмаларига хабар бериш имконига эга. Бунинг учун улар қуёш батареялари билан жиҳозланган.

Тўрт долларлик орзу

Ҳалигача смартфон тутишни орзу қилиб юрганлар бўлса, ниятига етадиган кўринади. Негаки, маҳаллий матбуот нашрлари Ҳиндистонда дунёдаги энг арзон смартфонлар сотувга чиқарилаётганини маълум қилмоқда.



Мамлакатнинг "Ringing Bells" компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган бундай қурилмаларнинг нархи атиги 4 доллар туради.

30 июнь куни мазкур алоқа воситаларининг дастлабки 200 минг донаси харидорларга етказилиши кўзда тутилган. Андроид тизимида ишловчи Freedom 251 смартфонлари 4 ядроли процессор, 1 Гб тезкор хотира, 8 Гб ички хотирага эга. Шунингдек, унга 3,2 мигопексилли асосий, 0,3 мегопексилли фронтал камера ҳам ўрнатилган.

Янги авторусумлар тақдимоти

Қозоғистоннинг Усть-Каменогорск шаҳридаги автозаводда "Лада Гранта" ва "Лада Калина" седанлари ҳамда "Лада 4x4" йўлтанламаслари ишлаб чиқарила бошланди, деб хабар тарқатди "Азия авто" заводи матбуот хизмати.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ерда яқин орада "Лада" туркумидаги автомобилларнинг яна 4 русуми йиғила бошланади.

Маълумотларга қараганда, ўтган йил якунлари бўйича мазкур мамлакатда 24,5 минг дона "Ваз" автомобиллари сотилган.

Ўзи кетди-ю, «гол»и қолди

Франция яшил майдонларида давом этаётган футбол мусобақалари Еврочемпионат тарихидаги энг голларга бой турнир сифатида қайд этилмоқда.

Нимчорак финалда Англия ўйинчилари Исландия дарвозасига 4-дақиқада киритган гол чемпионатнинг 86-тўпи сифатида ўзига хос тарихий аҳамият касб этди. Негаки, худди мана шу тўп бу галги мусобақада киритилган голлар бу борада олдинги чемпионатлардаги кўрсаткичларни ортда қолдирганини англатади. Бунгача мухлислар энг кўп голлар сериясини 2000 йилги чемпионатда кўришганди. Ўшанда дарвозалардан 85 марта тўп олиб чиқилганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Қонун ҳимоясида

Шаҳару қишлоқларимизга кўрк бағишлаб турган, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларимиз бугун кўпларнинг ҳавасини тортаяпти. Лекин, шундай хайрли, залворли ишларимиз рўёбига соя солиб қўяётган нопок кимсаларнинг борлиги ачинарли. Улар ой юзидаги доғ каби дилни хира қилиб, элюрт ризқини, давлатимиз маблағини ўзлаштиришга интилаётган нобакорлардир.

«СОЙЛИҚ»НИНГ СОЙИНИ ЛОЙҚАЛАТГАНЛАР

Бугун бундай тураржойлар вилоятимизда кўплаб қурилмоқда. Жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳам. Бундан аҳоли хурсанд. Барча қулайликларга эга шинам ва чиройли уйларда яшашни ким хоҳламайди, дейсиз? Аммо, тумандаги Сойлиқ қишлоғи "Кичиксой" маҳалласида 20 та якка тартибдаги намунали уйлар қурилиши "Gazalkent maxsus qurilish" хусусий корхонаси раҳбари Асқар Абдуллаевнинг қинғир ишлари туфайли аро йўлда қолиб кетди.

Гап шундаки, мазкур корхона раҳбари тендер савдосида ғолиб бўлгач, 2010 йилда "Qishloq qurilish invest" инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти билан 1 миллиард 182 миллион 563 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга оид пудрат шартномасини имзолади. Шундан сўнг А. Абдуллаев эгри йўл билан моддий бойлик орттиришни мақсад қилди. Ўз-ўзидан маълумки, қинғир ишларни амалга оширишда унга шерик, ҳамтовоқ керак. Қарангки, шундай одам тезда топила қолди. У "Qishloq qurilish invest" компаниясининг техник назоратчиси Мажид Омонов билан тил бириктирди. А. Абдуллаев ўз корхонаси ҳисоб рақамига вилоят "Qishloq qurilish invest" инжиниринг компаниясидан 2 йил ичида 1 миллиард 67 миллион 564 минг 337 сўм маблағ ўтказиб берилган бўлса-да, аслида ҳақиқатдан бажарилмаган 244 миллион 429 минг 950 сўмлик ишларни қўшиб ёзиш орқали, 1 миллиард 182 миллион 562 минг 916 сўмлик далолатнома М. Омонов имзоси билан вилоят "Qishloq qurilish invest" инжиниринг компаниясига тақдим этилди. Агар иш шу билан тугаса майлику-я, нафси ҳаккалак отган қурувчи ҳали тўлиқ битказилмаган уйларни қурилиши тугалланган бинолар сифатида Бўстонлиқ тумани ҳокимлигига далолатнома киритиб, тасдиқлатиб олади...

М. Омоновнинг ҳамтовоқларидан яна бири – "Кристалл" ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Карим Аҳмедов билан тузган "режа"си янада "сердаромад" бўлди. Улар айнан яна Бўстонлиқ тумани, Сойлиқ қишлоғидаги 39 та намунавий лойиҳали уйни қуриш баҳонасида бажарилмаган 305 миллион 383 минг сўмлик ишларни қўшиб ёзишди. Натижада, қурилиш ишлари қиймати 2 миллиард 575 миллион 540 минг сўм бўлган сохталаштирилган далолатномага М. Омонов томонидан имзо қўйилди.

Хуллас, талон-торожга устаси фаранглар ўз қилмишларига яраша жавоб беришларига тўғри келди. Ҳатто, узоқларга кетиб қолишни режалаштирган бўлишса ҳам суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб, жуда катта миқдордаги маблағни талон-торож қилишда айбдор деб топилган А. Абдуллаев ва М. Омоновга 7 йиллик қамоқ жазоси тайинланди. Нафақат бу икки шахс, балки шу ишга алоқадор бошқа ҳуқуқбузарларнинг ножўя қилмишлари ҳам жазосиз қолмади.

Абдувосит ГУЛМУРОДОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

ДОҒДА ҚОЛДИРИШ МАҲОРАТИ

Франция яшил майдонларида Европа чемпионатининг плей-офф учрашувлари давом этмоқда.

Азар ва Карраскослар натижани йириклаштиришди. Жаҳон чемпиони Германия ҳам нимчорак финалдан осонлик билан ўтди. Йоахим Лёв шогирдлари Словакияни йирик – 3:0 натижа билан мағлуб этди.

Барчанинг нигоҳи душанба кунги учрашувларга қаратилди – Италия ва Испания. Бундан 4 йил аввал мазкур терма жамоалар финалда учрашишган ва Испания 4:0 ҳисобида муваффақият қозонганди. Биласизми, Антонио Конте шогирдлари Европа чемпионатига келди-ю бирдан ўзгарди. Таркибдаги ёш футболчилар мусобақага чемпионлик иштиёқи билан келганликларини кўрсата олишди. Бельгия Нимчорак финалда Швейцария терма жамоаси ўйини якунида Польша дарвозасига гол уриб, мувозанатни тиклай олди. Аммо, бу уларнинг келгуси босқичга чиқишига ёрдам бера олмади. Пенальтилар сериясида польшаликларнинг омади келди.

Уэльс билан Шимолий Ирландия учрашуви жуда зерикарли ўтди, десак муболаға бўлмайди. Британия дербиси мақомини олган баҳсда автогол барча нарсага ойдинлик киритди. 75-дақиқада Гарет Макаули кутилмаганда ўз дарвозасига гол урди. Қолган вақт ирландияликларнинг рақиб дарвозасини ишғол қилишларига етмади.

Олдиндан қизиқарли бўлиши кутилган Хорватия билан Португалия ўйинида ҳисоб очилмади. Барчаси қўшиб берилган 30 дақиқада рўй берди. Хорватияликлар ҳимоячиси 2-3 марта рақиб дарвозасига гол уришга яқин эди. Бир сафар Иван Перишичнинг яқин масофадан йўллаган зарбасидан сўнг тўп дарвоза устунидан қайтди. Омад келмаса қийин экан. Эвазига португалияликлар қарши ҳужумда имкониятдан фойдаланишди. 117-дақиқада Куарежма гол муаллифи бўлди. Хорватия эса, мусобақани кўзёшлар билан тарк этди.

Турнир эгаси Франция иккинчи бўлимда қийин вазиятдан чиқа олди. Робби Брэди 2-дақиқада пенальтидан гол уриб, Ирландия терлаштиришига йўл бермади. Айниқса, Жерар Пикенинг учрашув якунланишига саноқли дақиқалар қолганида йўллаган зарбаси гол бўлиши мумкин эди. 90+1 – дақиқада Пелле Де Хеа дарвозасини ишғол қилиб, амалдаги чемпион – Испаниянинг барча орзу-умидларини чиппакка чиқарди – 2:0.

Италия билан Германия чорак финалда тўқнаш келадиган бўлди. 4 йил аввал Марио Балотеллининг ажойиб голи немис машинасини тўхтатиб қолганди. Бу сафар нима бўлишини яқин кунлар ичида билиб оламиз.

Испаниянинг мусобақа билан хайрлашиши ҳолва экан. Орадан бир неча соат ўтиб, Исландия... Англиянинг жавобини бериб юборди!

Хуллас, саралаш баҳсларида Голландияни доғда қолдирган, гуруҳ баҳсларида Португалия, Венгрия ва Австрияга имкониятни бой бермаган Исландия назаримизда сенсацияли "юриш"ларини давом эттиради. Қизиқ, навбат... Францияга-ми?

Шерзод ШУҲРАТОВ.



Чорак финал жуфтликлари қуйидагича:

Польша – Португалия
Уэльс – Бельгия
Германия – Италия
Франция – Исландия

Диққат, кесишма!

ҲАЙДОВЧИ ҲУШЁР БЎЛСА

хавфли тўқнашувларнинг олди олинади

Маълумки, темир изларда поездлар белгиланган тезликда ҳаракатда бўлади ва уни дарҳол тўхтатишнинг иложи йўқ. Зарурият юзасидан илкис тормоз берилганда ҳам поездлар тўхтагунча анча масофани босиб ўтади.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида серқатнов жойлардаги темир ва автомобиль йўллари кесишмаларида ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун автоматлаштирилган кўтарилувчи тўсиқлар, тақиқловчи ва огоҳлантирувчи кўрсаткичлар ва белгилар ўрнатилган. Шундай бўлсада, кесишмаларда тўқнашув ҳолатлари учраб туради. Жумладан, республикамизнинг темир ва автомобиль йўл кесишмаларида шу йилнинг ўтган 5 ойи давомида 14 марта поездлар билан автомобилларнинг тўқнашувлари юз берди. Хусусан, 4 январь куни "Аранчи – Чирчиқ" темир йўлининг 37-километридаги қўриқланмайдиган темир ва автомобиль йўллар кесишмасида "Нексия" русумли автомобиль поезд билан тўқнашиши фожиали якун топди. Шунингдек, 27 апрелда "Далағузор – Назарбек" темир йўл участкасида юк поездининг трактор билан тўқнашуви содир бўлди.

Тўқнашувлар оқибатида поездлар ҳаракат жадвалидан чиқиб кетади, автоулов эгаларига ҳар томонлама зарар етади. Жумладан, ўтган 5 ойда кесишмалардаги тўқнашувлар натижасида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти 9 млн. 421 минг 181 сўм моддий зарар кўрди.

Темир ва автомобиль йўл кесишмаларидан ўтишда белгиланган қоидаларга тўла риоя қилсак, оғир оқибатли йўлтранспорт ҳодисаларининг олдини олган бўламиз. Зеро, "Йўл қоидаси – умр фойдаси" деб бежиз айтилмаган.

А. ҚАЛИМБЕТОВ,
"Ўздавтемирйўлназорат" инспекциясининг ахборот хизмати бошлиғи.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6349. Адади 11897. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.00.